Ушбу сонда:
2 *Меҳнат муҳофазаси* ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАН ЖАРОҲАТИ
3 ВАТАН КОРИГА ЯРАЁТГАН ЙИГИТЛАР
4 ОҚ ХАЛАТЛИЛАР ҚИШЛОҚЛАРДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 4 январ, сешанба № 2 (1843)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ***ФАРМОНИ***

А.Ҳ.Тўхтаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 январ

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Афғонистон Ислом Республикаси жамоат ишлари вазири Суҳроб Али Сафарий раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида турли йўналишларда, хусусан, транспорт ва коммуникация соҳасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Учрашувда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

(ЎзА)

СПОРТ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

2004 йил - Ўзбекистон спорти учун муваффақиятли йил бўлди. Спортчиларимиз мавсумни мамлакатимизда ва хорижда ўтган нуфузли турнирларда Афина Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун кураш билан бошлади.

Халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони тожини кийди.

Юртимизда Президентимиз томонидан спортга, жумладан, футболни ривожлантиришга берилаётган улкан эътибор самараси ўлароқ, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси яна Осиёнинг энг кучли терма жамоаларидан бири сифатида тан олинди.

Йигитларимизнинг ўз ўйин услуби ва ишончли ҳаракатлари, айниқса, 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида яққол намоён бўлди. Футболчиларимиз саралаш гуруҳида Ироқ, Фаластин ва Хитой Тайпейи терма жамоаларини ортда қолдириб, якуний саралаш босқичига йўлланма олди.

Спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси - Олимпиада ўйинлари спортчиларимиз учун муваффақиятли якунланди. Греция пойтахти Афинада ўтказилган мусобақаларда 69 нафар спортчи ўн беш спорт тури бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Юнон-рум кураши устаси Александр Доктурашвили ва эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони, Сидней Олимпиадаси финалчиси Артур Таймазов олимпия олтин медалига сазовор бўлди. Эркин курашчи Магомед Иброҳимов кумуш, боксчилар - жаҳон чемпиони Ўткирбек Ҳайдаров ва Осиё чемпиони Баҳодир Султонов бронза медалини қўлга киритди.

2004 йилда Ўзбекистонда оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, етишиб келаётган ёш авлодни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти янада такомиллаштирилди.

Олий ўқув юртлари талабаларининг Самарқандда ўтган «Универсиада-2004» мусобақалари қизғин баҳсларга бой бўлди.

Бадиий гимнастика ҳамда синхрон сузиш бўйича ўтказилган «Шарқ гўзали» ва «Сув париси» халқаро турнирлари мазкур спорт турлари юртимизнинг шаҳар-қишлоқларида жадал ривожланаётганини кўрсатди.

Айниқса, бадиий гимнастика бўйича юқори савияда ташкил этилган Жаҳон кубоги босқичи - «Шарқ гўзали» халқаро турнирида дунёнинг энг кучли гимнастикачилари чиқишлари мухлису мутахассисларга, эндигина катта спортга қадам қўйган спортчи қизларга олам-олам қувонч бағишлади.

Синхрон сузиш бўйича «Сув париси» анъанавий халқаро турнири эса юртимизда спортнинг мазкур нафис тури йилдан-йилга оммалашаётганини, бунга давлатимиз раҳбарининг спортни ривожлантиришга бераётган улкан эътибори ва жойларда яратилган қулай шароит муҳим омил бўлаётганини яна бир бор намойиш эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрга бағишлаб ўтказилган умуммамлакат оммавий марафони ташкил этилиши республикамизда яна бир оммавий мусобақага старт берди.

Хуллас, 2004 йил мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида турфа мусобақаларга бой бўлди. Уларда спортчиларимиз эришган ютуқларни санаб адо этиш қийин. Юртбошимиз томонидан Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилинган 2005 йилда ҳам оммавий ва катта спортга берилаётган эътибор янада юксалиши табиий. Зеро, сиҳат-саломатлик соғлом турмуш тарзидан, жисмоний тарбия ва спортдан бошланади!

(ЎзА)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги, 2005 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан Юртбошимиз ва халқимизга сиҳат-саломатлик, тинчлик, бахт-саодат, равнақ ва фаровонлик тилаб, ўз эзгу истаклари изҳор этилган самимий қутловлар ҳамон келиб турибди.

Қуйидагилар ўз табрикномаларини йўллашган:

**Канада Генерал-губернатори Адриен Кларксон;
Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев;
Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев;
Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус ва унинг рафиқаси;
Молдова Республикаси Президенти Владимир Воронин;
Арманистон Республикаси Президенти Роберт Кочарян;
Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко;
Латвия Республикаси Президенти Вайра Вике-Фрейберга;
Исландия Президенти Олафур Рагнар Гримссон ва унинг рафиқаси;
Норвегия Қироли Харальд V;
Янги Зеландия Генерал-губернатори Сильвия Картрайт;
Корея Халқ Демократик Республикаси Давлат Мудофаа Қўмитаси Раиси Ким Чен Ир;
Москва ва бутун Русь Патриархи Алексий II;
Свердловск вилояти губернатори Эдуард Россель;
Кемерово вилояти губернатори Аман Тулеев;
Кабарда-Балқария Республикаси Президенти, «Шимолий Кавказ» Уюшмаси Кенгаши Раиси Валерий Коков;
ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура;
ЮНИСЕФ Ижрочи директори Кэрол Беллами.**

Қутловлар ҳамон келиб турибди.

Ютуқ ва муаммолар

ИШЛОВЧИ АЁЛЛАР
меҳнатини муҳофаза қилиш масалаларига бир назар

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонун, Аёллар йили муносабати билан хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича Давлат дастурининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллик йилларида барпо этилган меъёрий-ҳуқуқий негизга таянган ҳолда Навоий вилояти ҳамда темирйўл ва транспорт қурилиши корхоналарида ишлаётган аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида касаба уюшма органлари ҳамда иш берувчилар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий қўмитаси тизимидаги корхона, ташкилотларда 15.209 нафар аёл меҳнат қилади. Таҳлил шуни кўрсатдики, аввало касаба уюшма етакчилари сафига аёлларни кенг жалб қилиш давр талабига жавоб бермайди. Масалан, темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси тизимидаги ҳудудий ва бирлашган қўмиталарнинг, Навоий вилоятидаги тармоқ касаба уюшмалари, вилоят қўмиталари вакилларининг раҳбарлари орасида аёллар деярли йўқ.

Вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш, нодавлат сектори ходимларини касаба уюшмаларига жалб этиш, корхоналар тугатилиши оқибатида бўшаб кетаётган ходимлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларида қатор муаммолар мавжуд. Навоий вилоятидаги жами ишсизларнинг учдан икки қисмини аёллар ташкил этади. Шундай бўлса-да, «Бандлик» дастурини ишлаб чиқиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича касаба уюшмалари Кенгаши ҳокимиятга ўз таклифларини киритмасдан келмоқда. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини муносиб равишда ҳимоя қилишда жамоа шартномаларининг аҳамияти беқиёс. Аммо негадир мавжуд 35 та қўшма корхонанинг 7 тасидагина касаба уюшма ташкилоти тузилган. Олтитасида эса жамоа шартномалари қабул қилинган, холос. Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиб бериш масаласи қуйи бўғиндаги баъзи касаба уюшма ташкилотларининг назаридан четда қолмоқда.

Темирйўл тармоғида аксарият жамоа шартномаларининг лойиҳалари экспертиза қилинмаяпти. Шундай мисол келтириш мумкин. Ўтган йили боқувчисини йўқотган оилалар, янги оила қурган ёшларга моддий мадад деярли кўрсатилмади. Аёлларнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари куни узайтирилмади, ёш болали, кўп болали оналарга моддий ёрдам кўрсатилмади. Тармоқ бўйича мавжуд юридик шахсларнинг 42 фоизида жамоа шартномалари қабул қилинмаганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундай манзарани Конимех туманидаги «Абай» наслчилик ширкат хўжалиги, «Қизилқумцемент», «Навоийгазтаъминот», «Саховат», «Бухоротемирйўлтаъмир» каби қатор корхоналарда кузатиш мумкин. Айрим ҳолларда жамоа шартномаларида аёллар учун назарда тутилган имтиёзлар умуман берилмай келинмоқда. Масалан, «Саховат» акционерлик жамиятида жамоа шартномасининг энг кам иш ҳақини беш фоизга кўтариш, 24 иш кунидан иборат асосий таътил бериш каби талаблари бажарилмаган. Бундай аҳволнинг юзага келиш сабабларидан бири жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини назорат қилиш комиссиялари таркибига аёллар жуда кам киритилаётганидир.

Ишлаётган аёлларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар берилмаслик ҳоллари ҳам учрамоқда. Қизилтепа туман Маданият ва халқ таълими бўлимларида, «Назарбек» санаторий-профилакторийсида доимий тусдаги ишларга ҳам аёллар муддатли меҳнат шартномалари билан қабул қилинмоқдалар. Бу билан Меҳнат Кодексининг 76-моддаси талаблари бузилмоқда. Қонун ҳужжатларига биноан болани парваришлаш таътили даврида аёлларнинг иш жойи муқаррар тартибда сақлаб қолиниши керак. Бироқ негадир Қизилтепа туманидаги Муқимий номли мактаб ходимлари Мўминова, Мансурова, Хафизоваларга ана шундай таътилдан кейин мактаб директори иш бермасдан сарсон қилган. Касаба уюшмалари аралашувидан кейин уларнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди.

Шундай иш берувчилар борки, улар одамларимиздаги оққўнгиллилик, андиша каби фазилатлардан фойдаланиб қолишга уринишади. Шу боис бўлса керак, Қизилтепа туман Маданият бўлимида уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга Меҳнат Кодексининг 228-моддасига зид равишда иш вақтининг қисқартирилган муддати ўрнатилмаган. Конимех туманидаги «Сарибел» наслчилик ширкат хўжалигида, Навоий шаҳридаги «Саховат» акционерлик жамиятида Меҳнат Кодексининг 232-моддасига зид равишда 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилмаган.

Айрим касаба уюшма органлари меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида ҳам ходимлар манфаатини изчиллик билан ҳимоя қилмаяптилар. Тунги сменадаги иш учун 50 фоиз ўрнига «Навоийгазтаъминот» шуъба корхонасида 40 фоиз, Навоий вилоят болалар шифохонасида атиги 20 фоиз устама ҳақ тўланмоқда. Асосий камчиликлардан яна бири Марказий қўмита томонидан иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш бўйича Ҳаракат тартиби ишлаб чиқилмаганидир. Баъзи жойларда ишловчи аёллардан тушаётган мурожаатларни кўриб чиқишда юзакичиликка йўл қўйилмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини жойларга чиқиб ўрганиш шуни кўрсатдики, бу соҳада аҳволни яхшилаш борасида силжишлар жуда кам. Мисол тариқасида «Навоийазот» ОАЖда аёлларга хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратишдаги муаммоларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ерда дори-дармон ва тиббиёт ускуналари сотиб олишга етарли маблағ ажратилмаётганлиги, цехларда вентиляция, иситиш, ёруғлик тизимларининг иши қониқарли эмаслиги, зарарли моддалар концентрациясининг меъёрдан юқорилиги, ошхоналардаги овқатларнинг сифати пастлиги аёлларнинг репродуктив саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

М. НИЁЗОВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган раёсат йиғилишида Навоий вилояти ҳамда темирйўл ва транспорт қурилиши корхоналарида ишлаётган аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида касаба уюшма органлари ва ишловчилар олиб бораётган ишлар кенг ошкоралик ва ўзаро талабчанлик вазиятида атрофлича таҳлил этилди. Асосий эътибор фаолиятдаги баъзи бир камчиликлар, ечимини кутаётган муаммоларга қаратилиб, ишни қисқа муддат ичида яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

ЯНГИ ЙИЛ ҚУВОНЧЛАРИ

Янги йил - янги орзу-умидлар байрами. Бу кунлари дилга тугилган барча эзгу ниятлар йил давомида инсонга ҳамроҳ бўлади, дейишади. Шу боис одамлар янги йил байрами арафасида бир-бирларига энг яхши, энг эзгу тилакларни билдирадилар. Давлатимиз раҳбарининг халқимизга Янги йил табригида ҳам ана шундай олижаноб ниятлар, эзгу истаклар билдирилган. Юртбошимизнинг табригида баён қилинган теран маъно-мазмунли тилаклар халқимизнинг кўнглини кўтариб, янги-янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

31 декабр - 3 январ кунлари пойтахтимизнинг истироҳат боғлари, сайлгоҳлари, майдонлари ҳамшаҳарларимиз ва пойтахт меҳмонлари билан гавжум бўлди.

Байрам муносабати билан ташкил этилган шодиёналар кўтаринки руҳда ўтишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳиссаси катта бўлди.

Сайлгоҳ кўчасига оила аъзолари, дўстлари билан келган кексаю ёшнинг юзида табассум, дилида эзгу туйғу - шундай муборак кунлар учун шукроналик ҳисси аримади. Айниқса, болажонларнинг қувончи чексиз эди. Ижодий жамоалар томонидан тайёрланган концерт дастурлари, турли аттракцион ўйинлари кичкинтойлар дилини янада хушнуд этди.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Сағбон» гузарида безатилган арча атрофи ҳам шўх-шодон болалар билан гавжум бўлди. Ўзбек Миллий академик драма театри, бадиий ҳаваскорлик гуруҳлари ҳамда 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг бадиий дастурларини шодиёна иштирокчилари катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

- Меҳр ва муруввват йилида туманимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди,- дейди онахон Саида Ғуломова.- «Сағбон-текстил» қўшма корхонаси, оилавий поликлиника, бир қанча таълим-тарбия масканлари, спорт майдончаси, маҳалла гузари очилди.

Байрам сайли пойтахтимизнинг Хадра майдонида ҳам хуш кайфиятда ўтди. Тошкент Давлат цирки жамоаси байрамга алоҳида тайёргарлик кўргани цирк усталарининг чиқишларида намоён бўлди. Бу ердаги ранг-баранг ва такрорланмас дастурлар нафақат болалар, балки катталарга ҳам катта қувонч улашди.

Янги йил сайли Халқлар Дўстлиги майдонида алоҳида кўтаринки руҳда ўтди. Эл севган санъаткорлар, болалар бадиий жамоалари, эртак қаҳрамонлари байрамга катта шавқ-завқ бағишлади.

Янги йил байрами томошалари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам катта шодиёна билан ўтди.

(ЎзА)

Қиш имтиҳон қилмоқда

КЕЧИККАН ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Аҳолига етарли иш ва яшаш шароити яратиб бериш энг муҳим масалалардан биридир. Бу борада Хоразм вилояти «Иссиқлик манбаи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бирмунча тажрибага эга. Вилоятдаги аҳоли турар жойларини иситиш учун 145 та қозонхона, 430 та қозон мавжуд. Урганч шаҳрида жойлашган қозонхоналарга айниқса, эътибор кучли. Чунки корхона хизмат кўрсатадиган уйларнинг 70 фоизга яқини вилоят марказида жойлашган. Ўтган йилнинг ёзида 19-67-даҳалардаги 310 та уйга иссиқлик узатадиган йирик 2 та қозон мукаммал таъмирланди. Вилоят бўйича эса 12 та қозон жорий таъмирланди. 2 километрлик иссиқлик тармоқлари мукаммал, 1 километри жорий таъмирдан чиқарилди.

Аҳолини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлашни яхшилаш, истеъмолчиларга коммунал хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш мақсадида жамият қошида 17 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи «Урганч иссиқлик таъмир» шуъба корхонаси ташкил қилинди. Корхонада кеча-ю кундуз навбатчилик йўлга қўйилиб, сув ва иссиқлик йўлидаги носозликларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Бу ишларимиз Урганч шаҳридаги 4-даҳадаги уйларни етарли иситиш имконини бермоқда.

Ижобий ишларимиз билан бир қаторда муаммолар, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Иссиқлик қувватидан фойдаланадиган турар жой, ўқув юртлари, шифохоналар, маъмурий биноларнинг айрим раҳбарлари, ширкатлар мавсум тайёргарлиги тўғрисидаги далолатномаларни вақтида топширмайдилар. Бу эса қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Иссиқлик манбаи эса мавсум охиригача уларга текин хизмат кўрсатишга мажбур бўлади.

«Ишонч» рўзномасининг ўтган йил 26-октябр сонида «Кичик қозонхона афзал» сарлавҳали мақолада Наманган вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармасининг иш тажрибалари ёритилган эди. Биз Наманганликлар тажрибасидан ўрганган ҳолда кичик қозонхоналар ташкил қилишга киришдик. Шу мақсадда «Децентрализация» лойиҳаси асосида ҳар бир ўзаро яқин жойлашган уйлар оралиғида кичик қувватли замонавий қозонлар ўрнатиш борасида лойиҳа ва ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилди ва «ISTAL» илмий ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тузилди. Ҳозирги кунда бу турдаги қозонхоналарни қуриш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Ишимиздаги яна бир муаммолардан бири дебитор қарздорлик кўпайиб кетганлигидир. Бу эса ишимиз самарадорлигига таъсир қилмасдан қолмайди. Айни пайтда жамоа аҳолидан фойдаланган иссиқлик учун маблағни ундириш борасида шартнома асосида ишларни олиб бормоқда. Масалан нафақахўрлар билан келишган ҳолда маблағлар почтанинг ўзида ундирилаётган бўлса, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизимидагиларга маошдан ўтказиш йўли билан қарздорликни бартараф этиш йўлга қўйилди. Қозонхоналар хўжалик ҳисобига ўтказилди. Натижа чакки эмас. Ихчамлаштириш ва ишлаб чиқилган маҳсулотларни тежаб-тергаш оқибатида ҳозирнинг ўзида миллионлаб фойда кўриш имконияти туғилмоқда.

Бугунги кунда табиий газ босимининг меъёридан пастлиги туфайли вилоят ҳокимининг қарорига биноан заҳира ёқилғиси - мазутдан фойдаланмоқдамиз. Истеъмолчиларга талаб даражасида иссиқлик энергияси етказиб берилмоқда.

Корхонамизда 460 нафар касаба уюшма аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Жамоа шартномаси шартларини бажаришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирда корхонада ўртача ойлик маош 45 минг сўмни ташкил этяпти ва уни ўз вақтида беришга эришяпмиз.

Х. ЖУМАБОЕВ,
Хоразм вилояти «Иссиқлик манбаи» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

Қўшма корхона — хориж ишончи

ХОМАШЁ ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА АЙЛАНМОҚДА

Мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида хомашёни тайёр маҳсулот ҳолида ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этиш, хорижий сармояларни жалб қилиш орқали жаҳон андозаларига мос маҳсулот тайёрлашга эътибор кучайтирилаяпти.

Вақт ўтиши билан Олотдаги ип-йигирув фабрикасининг дастгоҳлари эскириб, тайёрланаётган маҳсулотлар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беролмай қолди. Республика ҳукуматининг ёрдами билан мавжуд инфратузилмани янгилаш мақсадида бундан икки йил илгари Бухоро вилоятининг олис туманида Швейцария-Ўзбекистон қўшма корхонаси ташкил этилиб, Германияниинг «Трюшлер» фирмасидан замонавий ип-йигирув технологияси олиб келиб ўрнатилди.

Асакабанкнинг вилоят филиалидан 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олиниб, Низом жамғармаси 4 миллион 902 минг долларлик қўшма корхонага асос солинди.

Янги корхонани фойдаланишга топшириштан мақсад аҳоли тиғиз яшайдиган ҳудудда қўшимча иш ўринлари яратиш ва хомашёни тайёр маҳсулотга айлантиришни йўлга қўйишдан иборат эди. Енгил саноат тизимида етарли тажриба ва малакага эга, иқтидорли мутахассис Жуманазар Абдуназаров раҳбарлик қилаётган аҳил жамоанинг маҳсулотлари ҳозирнинг ўзидаёқ чет эллик истеъмолчилар эътиборига тушди. Корхона маҳсулотлари Россия, Германия, Эстония, Туркия, Арманистон каби хорижий давлатларга етказиб берилаяпти. Сифати халқаро стандартларга мос, харидоргир.

Бизнес режага мувофиқ бир йилда 3 миллион погонометр хом бўз, 2200 тонна ип-калава, жами 6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Олинадиган 100 миллион сўмдан ортиқ соф фойданинг асосий қисми моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иш жараёнини кенгайтириш, ходимларни рағбатлантириш, маданий-маиший тадбирларга сарфланмоқда.

Жамоада меҳнат қилаётган 420 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимнинг 350 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Иш берувчи билан тузилган жамоа шартномасида ишчилар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш билан бирга корхона ижтимоий-иқтисодий дастурларининг бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси, ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Мавжуд цехлар ва ёрдамчи бўлинмаларда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидаларига амал қилиниши доимий эътиборда. Ноқулай, оғир ва зарарли шароитларда ишлаётганларга 17, бригадага раҳбарлик қилгани учун 16, ўриндошлик учун 20 фоиз қўшимча ҳақ тўланмоқда. Қишлоқ хўжалик юмушларига жалб этилганларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Ходимлар ижтимоий имтиёз ва кафолатлардан тўлиқ фойдаланишаяпти. Корхонада узлуксиз иш жараёни ташкил этилган бўлиб, меҳнат, дам олиш, овқатланиш учун барча қулайликлар бор. Ҳар сменада бир маҳал бепул иссиқ овқат тайёрлаб берилади.Тушлик корхона ҳисобидан қопланади. Меҳнатни муҳофазалашга 4 миллион 498 минг сўм сарфланди.

Касаба уюшма фаоли Жаҳонгир Зоиров раҳбарлик қилаётган тўқув цехида ишлаётган 82 кишининг 56 нафари хотин-қизлар. Уларнинг фидойилиги, касбига меҳр-муҳаббати баландлиги туфайли ҳар ойда 210 тонна ип-калава ишлаб чиқарилаяпти. Тажрибали уста Ўлмас Сотлиқов, йигирувчилар Шаҳло Андаева, Умида Бобоева, Чаман Сафаровалар самарали меҳнатлари эвазига 45-50 минг сўмдан маош олишаяпти.

Малакали мутахассис Фурқат Робиев бошчилик қилаётган тўқувчилик цехида ҳар ойда 400 квадрат метр бўз – мато тайёрланяпти. Рўзигул ва Соҳиба Ҳатамова, Шаҳло Ҳамроева, Гавҳар Каримова, Гулистон Ўринова сингари тўқувчилар дастгоҳларни моҳирлик билан бошқариб, юқори унумдорликка эришмоқдалар. Уста ёрдамчилари Бахтишод Тўхтаев ва Обид Ҳожиевлар хориж техника воситаларини созлашнинг ҳадисини олишган. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми мустаҳкамланаяпти. Режаларнинг ошириб бажарилиши одамларга ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги самараси. Янги оила қураётган ёшларга, фарзанди икки ёшдан уч ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга моддий ёрдам кўрсатилади. Кўп болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда ҳар куни бир соатдан иш соати қисқартирилган.

Иқтисод қилинган маблағдан 2,5 миллион сўм сарфланиб, туман марказидаги кам таъминланган оилалар яшайдиган 15 хонали турар-жой биноси таъмирлаб берилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Сиҳат-саломатлик – катта бойлик. Ишчи-хизматчиларнинг соғлигини сақлаш мақсадида санаторий ва профилакторий йўлланмаларининг 60 фоиз нархи корхона ҳисобидан қопланади ҳамда дам олувчиларга энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.

Тиббий-санитария бўлими шифокори Бахтиёр Яхшиев ва ҳамшира Ҳилола Ражабова ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур муолажаларни вақтида амалга оширишаяпти.

Иқтисодий қуввати юксалиб бораётган қўшма корхона жамоаси фаолият турларини кенгайтириш, келгусида жаҳон бозорига рақобатбардош тайёр маҳсулотлар етказиб бериш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Ш. ЯХШИЕВ,
«Олоттекс» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

ЙЎЛЛАНМАЛАР УЧУН 42 МИЛЛИОН СЎМ

Жамоа шартномаси маъмурият билан касаба уюшма қўмитасини ягона мақсад йўлида ўзаро ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатишга йўналтирувчи асосий ҳужжатдир.

Ўзбекистон металлургия комбинати маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиб боришида ана шу ҳужжат асос бўлиб хизмат қилиб келяпти. Масалан, 2004 йил – «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан кам таъминланган оилаларга, ёрдамга муҳтож ҳамда ёлғиз қарияларга, кам таъминланган оилаларнинг болалари, ишлаётганлар орасидаги ногирон боласи борларга моддий ёрдам уюштирилди. Йил бошланишидан кам таъминланган оилалар қайтадан ҳисобга олинди ва уларга 15 миллион 140 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар тарқатилди. Бундан ташқари Бекобод шаҳри халқ таълими бўлими томонидан рўйхатга олинган 30 нафар етим болаларга 2 миллион 100 минг сўмлик кийим-кечак совға қилинди. 226 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди ва халқ банкида уларнинг ҳар бирига шахсий ҳисоб рақами очилиб, 10 минг сўмдан маблағ қўйилган омонат дафтарчаси топширилди.

Ишчиларнинг саломатлиги корхонанинг асосий бойлиги ҳисобланади. Шу боис уларнинг соғлиқларини сақлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Комбинатнинг ўз профилакторийси мунтазам ишлаб турибди. Унда ўтган йил мобайнида 1006 нафар ишчи ўз саломатликларини тиклаб, дам олишди. Шулардан 238 нафари корхонада меҳнат қилган уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларидир. Бултур фақат йўлланмалар учун 42 миллион 772 минг сўм маблағ сарфланди. Меҳнаткашларнинг истак-хоҳишларини ҳисобга олиб, мамлакатимиз ҳудудидаги санаторийларга 47 та йўлланма олинди. Бунга қўшимча равишда «Чорвоқ» сув омбори яқинидаги сўлим масканда «Металлург» пансионатининг ишга туширилиши ишчилар учун янада қувончли бўлди. Ўтган йилнинг ўзида бу ерда 2281 нафар ишчи дам олиб келди. Бунинг учун комбинат маблағидан 409 миллион 127 минг сўм сарфланди.

Корхонада аёллар меҳнатини енгиллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Меҳнат таътилларига қўшимча кунлар, қисқартирилган иш соатларидан ташқари уларни соғломлаштириш масалалари ҳам жамоа шартномаси бандларида акс эттирилган. Фақатгина комбинат санаторий-профилакторийсида меҳнаткаш аёлларни соғломлаштириш учун 13 миллион 395 минг сўм ажратилди. 15 нафар аёл республикамиз ҳудудидаги санаторийларда дам олдилар. «Металлург» пансионатига бориш учун 315 нафар аёлга имтиёзли йўлланмалар тарқатилди.

Меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш масалалари юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ёз мавсумида Паркент туманидаги «Орзу» болалар оромгоҳида 4 босқичда 2000 нафар бола дам олди. Ушбу мақсадга 130 миллион сўм сарфланди. Шундан 49 миллион сўми касаба уюшма қўмитаси маблағидир. Бундан ташқари, Бекобод шаҳридаги 30 та маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг 180 нафар фарзандига ҳам «Цементчи» оромгоҳида дам олиш учун бепул йўлланмалар олиб берилди.

Жамоа шартномасида ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой шароитларини яхшилаб бориш масалалари ҳам акс этган. Биргина шу йилнинг ўзида 30 та оила янги уйларга кўчиб ўтди. Яқин кунларда яна 60 хонадонда ҳовли тўйлари бўлиб ўтади. Буларнинг асосий қисми янги оила қурган ёшлардир.

Ёшлар ҳақида гап кетганида, улар учун кўрсатилаётган ғамхўрликлар, яратилаётган имтиёзлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Маданият саройи, турли тўгараклар, спорт комплекслари, «Ёшлар уйи» улар ихтиёрида. 2004 йилда оила қурган 141 нафар комбинат ишчиларига моддий ёрдам тариқасида энг кам ойлик маошининг 10 баравари миқдорида пул берилди. Биринчи фарзанд кўрган 137 та ёш оилага ҳам маблағ ажратилди.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Ижтимоий ҳимоя

ЭЗГУ ИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Халқимизда савобли ишларни ҳар кун ва ҳар ким қилиши керак, деган ажойиб ҳикмат бор. Бу нақлни яхши англаб етган Қуйи Чирчиқ туман ижтимоий таъминот бўлими жамоаси кам таъминланган, боқувчисини йўқотган,' ногиронлар, ёлғиз қариялар, беморлар, нафақахўрларга яқиндан ёрдам бериб, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида талайгина хайрли ишларни амалга оширмоқда.

– Айни пайтда туманда 12 минг 261 нафар пенсионерлар ва нафақа олувчилар истиқомат қилишади, – дейди ижтимоий таъминот бўлими мудири А.Абдуллаев. Бугунги кунда ҳар ойлик пенсия миқдори ўртача 217 миллион сўмни ташкил қилади. Бўлимимизда барча ишлар ўз вақтида ва кўнгилдагидек бажариб келинмоқда. Биргина якунланган йилда ҳам Меҳр-мурувват дастури асосида тадбирлар ишлаб чиқилиб, маҳаллаларда яшовчи ёлғиз, кекса, пенсионер, ногиронларга ҳомийлар томонидан мурувват ёрдами кўрсатилди. Хусусан 1 нафар ногиронга эшитиш масламаси, 15 кишига кўзойнак, 150 минг сўмлик дори-дармонлар фермер хўжаликлари ҳисобидан олиб берилди. Бундан ташқари фахрийлардан 30 нафарига сиҳатгоҳларга дам олиш учун йўлланма берилди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бўлим тумандаги кўпгина ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, муаммоларни ҳал этиш имкониятини излаяпти.

3 декабр — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан ногиронлар ва фахрийлар учун дастурхон безатилиб, ош тортилди. Йиғилганларга эса қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

Дили нозик, меҳрга муҳтож инсонларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилишдек хайрли ишлар Сиҳат-саломатлик йилида ҳам давом этиши шубҳасиз.

Қонликўл туманида 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тумандаги капитал ва жорий таъмирга муҳтож мактаблар, қурилиши тугалланмаган иншоотлар ахволи чуқур ўрганиб чиқилди.

КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ОЛДИДА

Жумладан, 2-мактаб биноси капитал таъмирланяпти. Бунинг учун юз миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Таъмирлаш тендерда ғолиб чиққан «Қонликўлқурилиш» масъулияти чекланган жамият томонидан амалга оширилмоқда.

Тумандаги яна ўн иккита мактабда ана шундай капитал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Миллий дастурга мувофиқ 2009 йилга қадар Қорақалпоғистонда 33 та янги мактаб қуриш режалаштирилган. Шунингдек, 230 мактаб капитал реконструкциядан чиқарилади. 215 тасида капитал, 148 мактабда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

(ЎзА)

ринчи бор «Жаҳон тарихи ва археология» кафедраси ташкил этилди. Кафедрани тарих фанлари номзоди, доцент Очил Бўриев бошқаряпти. Дастлабки кунларданоқ кафедра тадқиқотчилари талабалар билан биргаликда катта ишларга қўл уришди. Очил Бўриев бошчилигида аспирант-археолог Нилуфар Ражабова, ёш тадқиқотчи Фахриддин Эгамбердиев, талаба Зоҳид Раҳматов, лаборант Гўзал Бозорова Насаф шаҳрининг қадимий ўрни – Шуллукли тепалигида қазув ишлари олиб бормоқдалар.

Суратларда: Очил Бўриев ва аспирант-археолог Нилуфар Ражабова топилмаларни кўздан кечиришяпти; тадқиқотчи Фахриддин Эгамбердиев.

Ш.ШАРОПОВ
(ЎзА) олган суратлар

МУРУВВАТНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Зомин туманидаги Мурувват уйида 370 дан зиёд ногирон хотин-қиз даволанади. Ушбу муассаса доимий эътиборда. Янги йил байрами арафасида Мурувват уйининг ётоқхона, даволаш ва ёрдамчи бинолари таъмирланди. Жиззах вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бу ишларга катта ҳисса қўшди.

- Тақдир тақозоси билан ўзгалар кўмагига муҳтож бўлиб қолганларга ғамхўрлик кўрсатиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир,- дейди мазкур бошқарма бошлиғи Сакина Алмамедова. -Очиғи, мустақилликка эришгунимизга қадар Зоминда шундай муассаса борлигини кўпчилик билмас эди.

Мустақиллик шарофати билан бу даргоҳга эътибор кучайди. Айниқса, Меҳр ва мурувват йилида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди.

Бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ишлардан ташқари, «Жиззахнур» бошқармаси Мурувват уйини электр ёриткич жиҳозлари билан таъминлади. Вилоят «Автойўл» бошқармаси унинг йўл ва йўлакларини асфальтлаб берган бўлса, газлаштириш бошқармаси 8 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар сотиб олиб берди. Зомин тумани ҳокимлиги эса Мурувват уйи ёрдамчи хўжалиги учун 50 гектар ер ажратди. Шунингдек, вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси, «Сувоқава» корхонаси ҳам ногиронлардан ўз ёрдамини аямади. Ҳомийлар кўмаги билан физиотерапия, дам олиш хоналари жиҳозланиб, канализация тармоқлари таъмирланди.

Юртбошимиз томонидан янги - 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда бундай хайрли ишлар кўламининг янада кенгайишида муҳим омил бўлади.

Қарши шаҳрининг ушбу йилда нишонланадиган 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик Қарши Давлат университетида ҳам кўнгилдагидек олиб бориляпти. Университет ректорати ташаббуси билан олий билим даргоҳида би-



Ярим тун. Барча ширин уйқуда. Худди шу маҳалда, аниқроғи ўтган йилнинг 9 декабр куни ярим кечада Наманган шаҳрининг «Сардоба» бозоридан салгина нарида жойлашган Наманган Маданият коллежи ҳудуди тарафдан кучли гулдурос эшитилди. Атроф маҳаллаларда ва кўча бўйидаги кўп қаватли уйларда яшайдиганлар чўчиб уйғониб кетишди.

Ҳақиқатан ҳам гулдурос коллеж ҳудудида, бу ерда жойлашган нонвойхонада содир бўлди ва у нохуш оқибатга олиб келди. Энг ёмони, гулдурос туфайли шогирд сифатида ишлаётган, эндигина ўн олти ёшни қаршилаган Шавкат Сатторов ва Шавкат Пошшаевлар ҳалок бўлишди. Ўз-ўзидан савол туғилади: фожеа нима сабабдан юз берди.

Учинчи шогирд Тоҳир Набиев эртасига эрталаб нон пишириш учун соат 21.00 бўйича билим синовидан ўтган масъул мансабдор шахс тайинланмаган ва олдинги огоҳлантиришларга тегишли жавоб қайтарилмаган. Коллеж нонвойхонасидаги портлаш ва бунинг оқибатида юз берган фожеа бўйича шаҳар прокуратурасида жиноий иш

ЎЗБОШИМЧАЛИК ИЛА ҚУРИЛГАН НОНВОЙХОНА ҚИММАТГА ТУШДИ

лар чамасида хамир тайёрлаб кетган. Ш. Сатторов ва Ш. Пошшаевлар эса уйқуга ётишган. Яхши беркитилмаган жўмракдан газ сизиб чиқишда давом этган ва нонвойхона билан болалар ётган хона ўртасидаги даричадан бемалол кира берган. Қарабсизки, ҳар икки хонага тўлган газ электр лампочкасидан чиққан учқун туфайли қаттиқ куч билан гулдураган, оқибатда ҳар икки ўсмир ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Аслида лойиҳасиз қурилган нонвойхонада кўнгилсиз воқеа келиб чиқиши мумкинлиги юзасидан олдинлари ҳам икки бор огоҳлантирилган ва далолатномалар тузиб, тақдим этилган. Аммо бунга коллеж маъмурияти етарли эътибор бермаган. Ҳатто, шунчалик катта даргоҳда (директори Дилмурод Бекхўжаев) шу соҳани кузатиб бориш учун газ хўжалиги қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ўчқўрғон пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида келиб чиққан кўнгилсизликни ҳам худди ҳозиргина тилга олиб ўтилган бепарволик ва назоратсизлик оқибати, дейиш мумкин. Иш жараёнида катта пресловчи Аскарали Шомҳамадов ишлаб турган машинани кўздан кечириш мақсадида унинг устки қисмига чиқади. Қайтиб тушиш вақтида тебраниб турган машина орасига қўли кириб қолиб, оғир тан жароҳати олади. Уйчи туманидаги «Намимпекстекстил» масъулияти чекланган жамият ишчиси Комилжон Қурбонов ҳам пресслаш дастгоҳининг юқори қисмига чиқиб мойлаш ишларини амалга оширишга ҳаракат қилаётганида қўли дастгоҳнинг айланувчи қисмига кириб кетади. Ҳар икки корхонада меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя этилмаганлиги, бу борада назорат ишларини етарли ташкил қилинмаганлиги учун цех усталарига маъмурий жазо қўлланилди.

Янгиқўрғон туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжалигида содир бўлган бахтсиз ҳодисани ҳам ҳеч нарса билан оқлаш мумкин эмас. Хўжаликка қарашли «Хўжашўркент» маҳалласидаги эски омборхонани бузиш давом этаётган эди. Лекин ишни ҳеч ким, на раҳбарлар, на меҳнат техника муҳандиси назорат қилишни хаёлларига келтиришди. Натижада ғоят эскирган, девор ва ёғочлари нам тортиб чириб тугаган бино томи ўпирилиб тушди. Бунинг касри билан шу ерда ишлаётган ишчилар Аҳмадулло Комилов, Абдуғофир Мансуров ва Илҳом Мансуровлар оғир тан жароҳати олдилар. Сал ўтмасдан 1982 йилда туғилган Аҳмадулло Комилов касалхонада вафот этди.

- Юқорида тилга олинган воқеалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, - дейди биз билан суҳбатда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси инспектори Аҳмаджон Йўлдошев. - Қаерда бепарволик, ўзибўларчилик, масъулиятсизлик ҳолати ҳукм сурар экан, ўша ерда кўнгилсизлик бўлади. Шундай экан, ҳамма жойда, жамоаларда меҳнат хавфсизлиги бўйича назорат кучайтирилмоғи лозим.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

Иш жараёнида хавфсиз ва қулай меҳнат шароити ташкил этилса, унумдорлик ортади. Лекин айрим мутасадди раҳбарларнинг меҳнат муҳофазаси қонунчилигига оид чора-тадбирларга эътиборсизлик билан қараши оқибатида миллионлар бой берилмоқда.

134 та ташкилот ва корхоналарда меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрлари ҳужжатлари талаби ўрганиб чиқилганда, 1031 та камчиликлар аниқланди. Шундан 989 таси бартараф этилиб, 55 нафар масъул раҳбарга нисбатан чора кўрилди, – дейди Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг бўлим бошлиғи А.Нишонов. – Республикамизда белгиланган меҳнат қонунчилиги қоида ва меъёрлари талаблари бузилиши натижасида корхона ва ташкилотларда бахтсиз ҳодисалар учраб турибди. Мисол учун, Жалакудуқ туманидаги «Сўфи қишлоқ» пахта тозалаш корхонаси ишчиси Анвар Ваҳобов бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Унинг оила аъзоларига 3 миллион 959 минг 240 сўм товон пули тўланди. Фарзандларига 21 минг 150 сўм нафақа тайинланди. Шунингдек, «Қўқон-1» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Оқ жар» пахта қабул қилиш пунктида ишлаб келган Олим Ҳусанов оламдан кўз юмди.

Бухоро вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг давлат меҳнат-

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАН ЖАРОҲАТИ

техник инспекторлари томонидан «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ташкилотларда бажарилиши бўйича текширилганда, 1929 та меҳнат қонунчилигига оид қоида ва меъёрлар бузилганлиги аниқланди. Нуқсонларга йўл қўйган 94 та мансабдор шахсга нисбатан 1 миллион 426 минг сўм жарима қўлланилиб, 5 нафар масъул раҳбар ишдан озод этилди. Талабга жавоб бермаган 28 та дастгоҳ, 24 та устахона ва 2 та корхонанинг иши вақтинчалик тўхтатилди. Йил давомида ишлаб чиқаришда 30 та бахтсиз ҳодиса юз бериши оқибатида 19 нафар ишчи ногирон бўлиб қолди. Мисол учун Когон шаҳридаги Бухоро электр билан таъминлаш корхонасида ишловчи электрик И.Салимов 10 апрелда ўзининг эҳтиётсизлиги сабабли юқори кучланишли ток таъсирида қолиб оғир тан жароҳати олди. Ҳозирги кунда маъмурият томонидан ушбу кўнгилсиз воқеадан кейин корхонада техника ва меҳнат муҳофазасига оид аниқ чора-тадбирлар тузилиб, ўқув-амалиётлари амалга оширилиляпти. Яна бир мисол. «Бухоро 17-сон темир йўл машина» бекати ишчиси Ўктам Тўғизбоев эҳтиётсизлиги оқибатида йиқилиб, жароҳатланади. Корхона ёрдами туфайли даволаниб, яна ўз иш ўрнига қайтди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда

ВАТАН ҚОРИГА ЯРАЁТГАН ЙИГИТЛАР

Билагида кучи, юрагида ўти бор шер билак йигит-қизлар Ватан корига ярайди, энг мухими, юртпарвар, зукко, билимдон, комил инсонлар бўлиб улғаяди. Бинобарин, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ҳам жисмоний тарбияни ривожлантириш ва спорт-соғломлаштириш ишлари давлат аҳамиятига молик вазифа эканлиги алоҳида уқтирилган.

Касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг спорт жамияти ушбу дастур ижросини изчил амалга оширишга киришган. Касабачиларимиз спортнинг энг оммавий турлари бўйича вилоят ва республика мусобақаларида пешқадамлик қилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта.

2004 йилнинг январ ойида пойтахт рингларида ўтказилган халқаро бокс беллашувлари андижонлик касаба уюшма «чарм қўлқоп» соҳиблари учун чинакам синов бўлди. Томошабинлар курашларга бой ўйинларда жаҳонга донги кетган Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг муносиб издошлари етишаётганлигига гувоҳ бўлдилар. Юртдошларимиздан 2-БЎСМ тарбияланувчилари ўз вазн тоифаларида курашга тушиб, команда ҳисобида халқаро турнир ғолибига айландилар.

8 - 9 январ кунлари вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ташаббуси билан бўлиб ўтган бокс бўйича IV «Камолот кубоги» биринчилигида 86 килограмм вазнда жанг олиб борган Т. Довутматовнинг зарбалари томошабинларни жунбушга келтирди. Натижада 1-ўринга чиқиб рақибларини доғда қолдирди.

Тошкент шаҳрида 25 - 27 феврал кунлари уюштирилган енгил атлетика очиқ чемпионати ва республика биринчилигидаги чиқишларда ҳам спортчиларимизнинг қўли баланд келди. 1-БЎСМ спортчиларидан Н. Асанова, нафис ҳаракатлари туфайли, тенгдошлари орасида енгил атлетика маликаси номини олиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан IV ўрин билан рағбатлантирилди.

Қишлоқ ёшлари спортнинг эркин кураш турини ҳақли суратда мардлар мактаби деб атайдилар. Чунки ҳалоллик, мардлик, тантилик, чаққонлик каби йигитларга хос ўзбекона қадриятлар бевосита эркин кураш жараёнида намоён бўлади. Бугунги кунда ўзбек кураши бутун жаҳонга юз тутаётганлиги боиси шундан. Ҳозирда туманларда 5 та кураш секциялари ишлаб турипти. Уларда 172 нафарга яқин бўлажак алпомишлар чиниқмоқда.

Қайси маҳаллада бўлманг, ўйингоҳларда кураш тушаётган каттаю-кичикни учратасиз. Ўтган йилнинг 2-5 март кунлари, баҳор байрами арафасида қардош Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ўтказилган Халқаро турнирда ўзбек йигитларининг курагини ерга теккиза оладиган мард топилмади. Ўсмир ёшлар спорт мактабининг талабаси М. Зайнобиддинов гиламда маҳоратини намойиш этиб, мусобақанинг техник курашчиси деган унвонга мушарраф бўлди.

Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш тадбирларида хотин-қизларимиз кўплаб иштирок этаётганлигини таъкидламоқчимиз. Бу, ҳар бир миллатнинг интеллектуал салоҳиятини белгиловчи омиллардан биридир. Жамиятимизда вилоят бўйича 40 нафар спортчи хотин-қизлар рўйхатга олинган. 4 нафар опа-сингиллар спорт устаси, 2 нафари спорт усталигига номзод бўлиб, улар нуфузли мусобақаларда Андижон вилояти шарафини ҳимоя қилаётирлар.

Халқаро хотин-қизлар куни 8-март тантанаси муносабати билан вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳомийлигида ўтказилган узоққа югуриш эстафетасида 12 та тармоқ қўмитасидан 300 нафар атрофидаги спортчи қизлар қатнашди. Ёқилғи, энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари вилоят вакиллиги хотин-қизларининг чопқирлигига томошабинлар қойил қолдилар.

10 - 13 июн кунлари Навоий шаҳрида ўтказилган республика аёллар спартакиадаси кўпкураши мусобақаларида хотин-қизларимиз спортга иштиёқ ва интилишда ҳеч кимдан кам эмасликларини кўрсатдилар. Терма жамоамиз вилоятлар ўртасида фахрли V ўринга чиқди. 4 - 5 май кунлари пойтахтимизда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан келган белбоғли кураш усталари учрашдилар. Беллашув андижонлик полвонларнинг биринчи ўринни эгаллаши билан якунланди.

Футбол ёшларимизнинг энг севимли машғулоти эканлиги ҳаммага аён. Бунда мухлислар ўйин жараёнида ҳам узоққа чопиш, ҳам гимнастика, ҳам атлетика машқларини бажарадилар. Шу баробарида жисмоний жиҳатдан чиниқа борадилар. Шу мақсадни кўзлаб, жамиятимиз тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида «Бўлажак футбол юлдузлари» шиори остида вақти-вақти билан очиқ турнирлар ўтказишни йўлга қўйганмиз. 30 - 31 август кунлари Мустақиллик байрами шарафига Баликчи туман маданият ва истироҳат боғидаги ўйингоҳда ўтказилган турнирда Х. Эргашева номли ширкат хўжалиги футболчилари кўрсатган ўйинлар томошабинларда катта таассурот қолдирди. Ғолиб жамоа эсдалик совғалари билан тақдирланди. Асака шаҳрида якунланган БЎСМ мактабларо футбол мусобақаларида 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг Р. Шарипов мураббийлигидаги ёш футболчилари, шаҳарлик тенгдошларидан қизиқарли томошалари билан устун келдилар. Турнир ғолиби шаҳар ички ишлар бўлими томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Касабачиларимизда спортнинг стол тенниси, шоҳмот-шашка, арқон тортиш, волейбол, қўл тўпи турларига ихлос ортиб бораётганлиги таҳсинга лойиқ. Беллашувларга 120 мингдан зиёд спортсеварлар жалб этилди. Касаба уюшмалари маблағларидан тадбирлар учун 1 миллион сўмлик пул маблағлари сарфланди. Жумладан Избоскан туманидаги А. Тиллабоев номли ширкат хўжалиги, Булоқбоши туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги мусобақалар спорт байрами тусини олди. Тадбирларга тараддуд пайтларида спорт иншоотлари маҳалла ҳашари йўли билан қайта таъмирдан чиқарилди, ҳомийлар ёрдамида спорт ускуналари билан жиҳозланди.

Шавкатжон АВАЗБАДАЛОВ,
жисмоний тарбия ва спорт жамияти Андижон вилоят Кенгаши раиси

Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: ходимнинг иш берувчига етказган зарари учун моддий жавобгарлиги тўғрисида маълумот бер-сангиз.

Ходим муассасага катта миқдорда зарар етказган бўлса ёки ходимнинг етказган зарари у ишдан бўшаб кетгандан сўнг аниқланса, бу масала қандай ҳал қилинади?

Ф.ҲАҚҚУЛОВА,
Термиз шаҳри

ЖАВОБ: ходимларнинг моддий жавобгарлиги уларнинг бевосита айби билан улар меҳнат муносабатларида бўлган муассасага етказган зарарни қонунларда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлаш мажбуриятидан иборатдир.

Ходимга моддий жавобгарлик юклашдан асосий мақсад фақатгина уни моддий харажатларни тўлашга мажбур қилиш эмас, балки шундай турдаги ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликларнинг олдини олиш ва бундай ҳолатлар келгусида рўй бермаслигини таъминлашдан иборатдир.

Иш берувчига ходим томонидан етказилган зарарни ундириш муносабатлари МКнинг 198-210-моддалари ва ФКнинг 985-моддаси асосида тартибга солинади.

Ходимни моддий жавобгарликка тортиш учун бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бўлиши зарур:

– ҳақиқатда ҳам зарар етказилган бўлиши;

– зарар ходимнинг ноқонуний ҳаракати ва ҳаракатсизлиги натижасида етказилган бўлиши;

– етказилган зарар билан ходимнинг ушбу ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши;

– зарар етказишда ходимнинг бевосита айби бўлиши.

Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Зарар ходимнинг ноқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилиши дейилганда, ходимнинг қонунда ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар, яъни ички меҳнат тартиби қоидалари, интизом тўғрисидаги низомлар, уставлар, йўриқномаларда белгиланган хизмат вазифаларини бузиши ёки бажармаслиги тушунилади. Қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжат билан тақиқланган ҳаракат ғайриқонуний ҳисобланади.

Агарда зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охирги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг ҳаракатлари ноқонуний ҳисобланмайди ва уни моддий жавобгарликка тортишига йўл қўйилмайди.

Ходимга моддий жавобгарликни юклаш учун етказилган зарарда унинг айби исботланган бўлиши зарур ва бу айб қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган бўлиши мумкин.

Меҳнат қонунчилигида ходимларнинг моддий жавобгарлиги чегараланган бўлиб, бундай жавобгарлик чекланган ҳамда тўлиқ моддий жавобгарликдан иборатдир.

Иш берувчи зарарни муайян ходимдан ундириб олиш тўғрисида қарор (буйруқ чиқаришдан) қабул қилишдан олдин етказилган зарар миқдорини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун иш берувчи биринчи навбатда ходимдан тушунтириш хати талаб қилиши керак. Ходим тушунтириш хати беришни рад этиши иш берувчига уни етказилган моддий жавобгарликка тортишга тўсиқ бўла олмайди. Бу ҳолда уч кишидан кам бўлмаган ходимлар иштирокида далолатнома тузилади.

Иш берувчига етказилган зарар миқдори ҳақиқий йўқотишлар бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 202-моддасига асосан, етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади.

1) махсус шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

2) бир марталик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасддан зарар етказилганда;

4) алкогол ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати муассасанинг жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши зарур, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги келишувга асосан белгиланади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлган корхона, муассаса, ташкилотлар асраш учун бериб қўйилган бойликлар сақланишини таъминлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш бобида тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимлар ҳамда ишларнинг намунавий рўйхати 1996 йил 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатининг 2/4-сон қарори билан тасдиқланган.

Муассаса билан кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги лавозим ва ишларни бажараётган ходимлар ўртасида тўла моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузишда қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши зарур:

а) ходим 18 ёшга тўлган бўлиши;

б) қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш учун бевосита ходимга топширилган бўлиши.

Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома икки нусхада тузилади ва бир нусхаси ходимлар, иккинчи нусхаси иш берувчида сақланади.

Ходимга ишониб топширилган моддий қимматликларни сақлашни таъминламаганлик учун моддий жавобгарликни юклаш ҳақидаги буйруқ тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома ўрнини босмайди.

Ходим муассасага келтирган зарарни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ тўлаши мумкин. Бу ҳолда иш берувчи ва ходимнинг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати кечиктириб қопланишига йўл қўйилиши ва ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият бериши мумкин. Агар ходим меҳнат шартномасини бекор қилса ва зарарни тўлашдан бош тортса, қарзнинг узилмай қолган қисми нотариал идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда етказилган зарар миқдори айбдор ходимдан иш берувчининг буйруғи асосида ундирилади. Буйруқ зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши керак.

Башарти етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши керак бўлган миқдор унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, ёхуд ходим ишдан бўшаб кетгандан сўнг аниқланса зарар суд орқали ундирилади.

Суд айбнинг даражаси ва шаклини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ундириладиган зарар миқдорини камайтириши мумкин.

Иш берувчи, бухгалтерия ходимлари шуни ёддан чиқармасликлари зарурки, иш ҳақини зарар келтирган ходимга ҳар гал тўлаш вақтида иш берувчининг буйруғи ёки суднинг қарори асосида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги зарур.

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

Юртимиз шифо масканларида

ТУЗ ҒОРИ

беморлар дардига малҳам бўлмоқда

Сурхон воҳасида санатория, дам олиш муассасалари жуда кўп: «Жайронхона», «Омонхона», «Ҳазарбоғ», «Учқизил»... Бу сиҳатгоҳлар инсонлар саломатлиги учун хизмат қилмоқда.

Вилоятда, шунингдек, санатория типидаги шифохоналар ҳам талайгина. Ана шундай масканлардан бири Шерободдаги «Хўжаикон» шифохонасидир. Таърифи олис-олисларгача етиб борган. Жуда сўлим, хушманзара. Шифохона турли хил мевали ва манзарали дарахтлар, анвойи гуллар билан бурканган бўлиб, инсон қалбининг туб-тубигача ором бахш этади.

Ташкил топганига ўн тўрт йил бўлиб қолган ушбу шифохонада айни пайтда 47 нафар врач ва ўрта тиббиёт ходимлари шифо излаб келганларга сидқидилдан хизмат қилмоқда. Асосан бронхит, аллергик касалликлари, буқоқ, инфаркт миокард, гипертония касаллигининг 1-2 даражасини бошидан кечирганлар даволанади. Уқалаш, физиотерапия, туз ғорининг шифобахш хусусиятлари ўз натижасини бермоқда. Ойига 50-60 нафар бемор соғайиб меҳнат қучоғига, оила даврасига қайтмоқда. Беморлар Ҳайитбой Менглиев, Феруза Эргашева, Муҳаббат Ёқубова каби шифокорларнинг ширин сўзи-ю муолажасидан ғоят мамнун.

Бу ерда Республикамизнинг турли ҳудудларидан, ҳатто қўшни Туркманистон, Тожикистон ва Россия мамлакатидан келган шифоталаб кишиларни учратиш мумкин. Даволаниш имтиёзли ва пулли хизмат асосида амалга оширилмоқда.

— Бизда дам олувчиларнинг хоҳишига қараб енгил спорт ўйинлари ташкил қилинган, - дейди шифохона бош врачи Халил Раҳмонов, - бемор қайси спорт тури билан шуғулланишни истаса, шунга яраша шароит яратиб берилади. Фақат унинг аҳволи назорат қилиб турилади.

Айниқса, «Маънавият ва маърифат» хонаси мақтовга лойиқ. У ишчи - ходимлар ва дам олувчилар билан ҳамиша гавжум эканлиги ҳам бежиз эмас.

Шифохона биносидан 11 км олисликда жойлашган туз ғори шакли-шамойилига кўра эртакни эслатади. У 1989 йилда қурилган бўлиб, ғорнинг узунлиги 150 метр, ҳажми эса - 900 метрдан иборат. Ғор ичида 5 та хона бор. Беморлар бу ерда шифокорлар тавсияси билан икки соатдан тўрт соатгача ётиб даволанадилар.

Айниқса, ғор ичидаги булоқ томоқ, оғиз-милк касалликларини даволашга қулайлик яратмоқда. Туз ғорининг яна бир тиббий хусусияти шундан иборатки, йилнинг тўрт фаслида ҳам доимий 18-20 даража иссиқликни сақлайди.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тузилган жамоа шартномаси ҳар жиҳатдан қўл келмоқда. Меҳр-мурувват йили муносабати билан маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан 20 нафардан зиёдроқ кам таъминланган беморлар бепул ҳамда имтиёзли равишда даволанди. Шифохонада даволаш муддати 18 кундан иборат бўлиб, кунига 3 маҳал иссиқ овқат, бир маҳал нонушта ташкил этилган.

Шифохона жамоаси беморлар учун яратилган шарт-шароитни янада яхшилаш мақсадида тинимсиз изланаётгани ўз самарасини бермоқда. 4 гектарга яқин мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда полиз ва сабзавот маҳсулотлари беморлар дастурхонини безамоқда. Бундан ташқари, даволанувчиларни гўшт-сут маҳсулоти билан таъминлаш учун чорвачилик ҳам ривожлантирилмоқда.

Беморлар туз ғоригача боришлари учун бепул автобус ташкил қилинган.

— Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан қиладиган ишларимиз янада кўпайди, - дейди шифохона бош врачи Халил Раҳмонов. - Давр бизни янги-янги марраларни эгаллашга ундамоқда. Зеро, энг катта бойлик - инсон саломатлигидир.

Алишер РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири

ҲОМИЙЛАР ЖАЖЖИЛАРГА

Андижон вилоятида 580 та мактабгача таълим муассасаларида 55 минг 288 нафар болажонлар тарбияланмоқда. Ушбу муассасаларда 2596 та гурух мавжуд бўлиб, бугунги кунга келиб 91 фоиздан зиёд ёш авлод бу даргоҳларга жалб қилинган. Ўтган йили «Конституция сабоқлари», «Дошкольник», «Дўмбоқчалар куйлайди», «Илк иқтисодий таълим сабоқлари» каби 9 миллион 600 минг сўмдан зиёд дастур ва қўлланмалар вилоятдаги барча шаҳар ва туманлардаги болалар боғчаларига таркатилди.

- Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мактабгача таълим муассасалари ўқув қўлланмаларини яратишда Андижон туманидаги 8-сонли боғча мудираси М. Сатторова ҳамда услубчи С. Нишонбоеваларнинг тажрибалари республикамиз миқёсида оммалаштирилди, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим бўлими бошлиғи Муқаддас Абдуллаева. - Айниқса, Андижон, Асака шаҳарлари ҳамда Жалақудуқ туманларидаги таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Тарбияланаётган болажонларимиз учун эса ташкилотлар, ота-оналар томонидан кўрсатилаётган ҳомийлик ёрдамларидан барча мамнун.

Андижон шаҳридаги барча мактабгача таълим муассасаларида болажонларга 40 нафар психолог, 8 нафар логопед, тарбиячи ва услубчилар сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. «Табассум» 18-сонли мактабгача таълим муассасасида 213-нафар болажонлар тарбияланади. Бу ерда ёш авлод учун яратилган шарт-шароитлардан айниқса, ота-оналар мамнун. 3 маҳал иссиқ овқат ташкил этилган бўлиб, ўйинчоқлар ҳамда зарур бўлган барча услубий қўлланмалар билан жиҳозланган. Муассасадаги спорт зали ҳамда «Эртаклар шаҳарчаси» улар ихтиёрида.

Асака шаҳридаги 10-сонли «Кичкинтой» мактабгача таълим муассасасига эса кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган Людмила Кузнецова мудиралик қилади. Жажжиларнинг овқатланиши, саломатлиги Ҳамшира Ёрқиной Бўтабоеванинг доимий назоратида. Сузиш ҳавзаси, спорт зали ва қўғирчоқ театри хонасида болажонлар учун барча шароитлар муҳайё. 2002 йил республика миқёсида ўтказилган «Йил тарбиячиси» кўрик-танлови ғолиби Зулфияхон Матисаева ушбу боғчада болажонларни миллий рамзларимиз, аждодларимиз анъаналарига садоқат руҳида тарбияламоқда.

Бу ерда болажонлар иштирокида турли хил тадбирлар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб турилади. Унинг самараси ўлароқ, тарбияланувчилар вилоят миқёсида бўлиб ўтаётган «Соғломжон - полвонжон», «Озод юрт келажаги» каби кўрик-танловларда ҳар йили ғолибликни қўлга киритишмоқда.

Жалақудуқ туманида ҳам ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. 41 та мактабгача таълим муассасаларига ҳомийлар томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. Туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан муассасаларнинг илғор тарбиячилари учун ўтган йили 450 минг сўм, уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш учун санаторий-профилакторий, дам олиш уйларига 200 минг сўм, болалар боғчаларига зарур дори-дармонлар учун керакли маблағлар берилди. Шунингдек, «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловида иштирок этган 1-ҳамда 26-мактабгача таълим муассасалари учун туман халқ таълими бўлими ҳамда «Таъминот савдо» корхоналари ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишди. Вилоятдаги барча муассасалар қатори бу ерда ҳам капитал таъмирлаш, боғчаларни зарурий қўлланмалар билан таъминлаш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири

«ВАТАНПАРВАР»НИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ

Мамлакатимизда 14 январ - Ватан химоячилари кунига бағишланган оммавий Ватанпарварлик тадбирлари давом этмоқда.

- Бу борада ёшларимизни мардлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, спортнинг техник-амалий турларига жалб этишга оид ишлар кўлами янада кенгаймоқда, - дейди Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари Зафаржон Қаламов. - «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармасининг вилоят кенгашлари билан ҳамкорликда шаҳар ва туманларда ана шундай тадбирлар давом этмоқда.

«Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинининг дастлабки босқич мусобақалари бошланди. Қўқон автомобил мактаби курсантларининг эса ҳарбий қисмларга саёҳати уюштирилди. Улар Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган аскар ва офицерларга яратиб берилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Фарғона шаҳридаги техник ва амалий спорт турлари марказида мерганлик ва биатлон бўйича беллашувлар ўтказилди.

(ЎзА)

Омилкорлик-давр талаби

АЙЛАНМА МАБЛАҒ КЎПАЙМОҚДА

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банклар алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан, банк муассасалари тадбиркорлик субъектларига ҳисоб-китобларни амалга оширишда ёрдам бериш билан бир қаторда уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

Хусусан, акционерлик-тижорат «Тадбиркор банк»нинг Муборак туман бўлими ташкил этилган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари якка тартибдаги тадбиркорлар, хусусий фирма ва корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликларига талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва уларнинг энг яқин ҳамкорига айланиш учун барча имкониятни ишга солмоқда. Айни пайтда банк бўлими турли соҳаларда фаолият юритаётган 365 нафардан зиёд мижознинг ишончини оқлашга ҳаракат қиляпти.

– Мижозларнинг асосий қисми кичик ва хусусий тадбиркорлик вакиллари бўлгани учун ҳам банк тадбиркорларнинг ҳар томонлама фойдали ва пухта ишлаб чиқилган лойиҳаларини танлаб олиш ва уларни амалда жорий этиш учун кредит ажратишга катта эътибор қаратди, – дейди банк бошқарувчиси Тўра Норқулов.

Якунланган йилда банк томонидан 301 миллион 686,3 минг сўмдан ортиқ миқдордаги кредит ажратилган бўлса, унинг 11 миллион 200 минг сўми савдо-тижорат учун, 210 миллион сўмдан зиёд фермер хўжаликларига ҳамда 81 миллион 181,2 минг сўми эса аҳолига автомобиллар сотиб олиш учун берилди. Қисқа, ўрта муддатларга корхоналар томонидан айланма маблағларни кўпайтириш, кичик ускуналар, хомашё, ёнилғи-мойлаш материаллари, уруғлик, ўғит, озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсаларни харид қилиш мақсадида берилган бу кредитлар тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш учун имконият яратди. Ўз навбатида ажратилган кредитлар тадбиркорликнинг «Бизнес-режа»ларига мувофиқ самарали ишлатилмоқда ва фоизлари ўз вақтида қайтарилмоқда. Бундай маблағлар туман иқтисодиётини ўсишига ва янги иш ўринларининг яратилишига олиб келяпти.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири

2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили

Соғлиқни сақлаш тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши, ҳар томонлама етук ва соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган давлат дастурларининг босқичма-босқич амалга оширилиши тиббиёт ходимларидан катта масъулият ва фидойиликни талаб этади.

ОҚ ХАЛАТЛИЛАР ҚИШЛОҚЛАРДА



Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларида оналик ва болаликни, оила манфаатларини муҳофазалаш, унинг баркамол авлодни вояга етказишдаги мавқеини кўтариш ва тиббий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиш вазифалари белгилаб берилган.

Қарши дашти кенгликларида вужудга келган туманимиз ташкил топганига 30 йил тўлди. Ўтган даврда қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси тубдан ўзгариб, даволаш-профилактика муассасалари фаолияти янада кенгайди. Қарийб 340 миллион сўм маблағ сарфланиб, «Ойдин», «Самарқанд», «Дўстлик», Ҳамза, Чўли Бегимқулов, Абдулла Қодирий номли, «Пахтаобод», «Нишон», «Нурли келажак», «Оқ олтин», «Туркманистон», «Гулистон» каби хўжаликларда ҳар бири 50 - 70 қатновга мўлжалланган 12 та қишлоқ врачлик масканлари қуриб, битказилди. Улар 200 миллион сўмликдан зиёд замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Барча ҚВПларда клиник лабораториялар, физиотерапия хоналари, ЭКГ ишлаб турибди.

Марказий шифохонанинг муҳандислик коммуникация тизими мукаммал таъмирланиб, иситиш тизимлари тўлиқ алмаштирилди. «Шошилинч тиббий ёрдам бўлими» ташкил этилиб, қайтадан тўлиқ жиҳозланди. Қурилиш-ободончилик ишларига 105 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Туманда 114 мингдан ортиқ аҳоли бўлиб, хизмат кўрсатиш радиуси 150 километрдан ошади. Қирқдан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда 21500 оила истиқомат қилади. Аҳолига хизмат кўрсатаётган 152 нафар врачнинг биттаси фан номзоди, 22 нафари олий, 60 таси биринчи тоифали, 591 нафар ўрта тиббиёт ходимининг 184 таси олий, 234 таси биринчи тоифали мутахассислардир. Шифокорлардан иборат 8 та гуруҳ қишлоқ ва маҳаллаларда бўлиб, тиббий текшириш ва даволаш тадбирларини амалга ошираяптилар. Оилаларда она ва бола соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилиб, санитария-гигиена шароити чуқур ўрганилди. Қайнона ва қайноталар, оила бошлиқлари билан ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёлларни муҳофазалаш, яшаш шароитларини яхшилаш, болани кўкрак сути билан боқиш, чақалоқлар парвариши хусусида суҳбат ва мулоқотлар олиб борилди.

Йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, ёшларнинг биологик, ижтимоий, ахлоқий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий жиҳатдан етуклигини, шаҳарлараро муносабатлар психологиясини, жинсий тарбиядан хабардорлигини ўз ичига олади. Марказий поликлиника врачлари Саодат Нодирова, Ҳазрат Муҳаммадиев, Марям Тошева, Ҳалима Бекпўлатова Нуристон, Таллимаржон шаҳарчалари, Нишон, Пахтаобод қишлоқлари, "Тинчлик", "Навбаҳор", Улуғбек номли маҳаллаларида «Репродуктив саломатлик», «Миллатимиз келажаги аёллар соғлиғига боғлиқ», «Қариндошга қиз берманг», «Ўсмир қизлар гигиенаси», «Камқонликнинг олдини олиш», «Вирусли гепатитдан эҳтиёт бўлинг» мавзуида давра суҳбатлари уюштирдилар. Туғиш ёшидаги 26250 нафар аёлнинг 99,2 фоизи, 8400 дан ортиқ ўсмир қизнинг юз фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди ва касал деб топилганлари амбулатория ҳамда стационар шароитида даволанди.

Туғма ногиронликнинг олдини олиш мақсадида 2 мингдан ортиқ чақалоқдан қон намуналари олиниб, «Она ва бола» марказида текширишдан ўтказилди. ДОТС дастури бўйича ярим миллион сўмлик дори-дармонлар олиб келинди ва шифокорлар тавсиясига мувофиқ беморларга тарқатилаяпти. Сил касалликларига қарши кураш маркази керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Аҳолига 483 ўринли марказий шифохона, бир кеча-кундузда 600 қатновга мўлжалланган поликлиника, юқумли касалликлар шифохонаси хизмат кўрсатаяпти. 100 ўринли туғруқ мажмуасида аёлларни туғруққа тайёрлаш ва омон-эсон кўзи ёриши учун ҳамма қулайликлар яратилган. Тажрибали акушер-гинеколог Абдужалил Янгибоев, моҳир жарроҳ, тиббиёт фанлари номзоди Абдушукур Халилов, қўли енгил акушер-гинекологлар Шоира Фармонова, Раъно Сатторова, терапевт Озод Жабборов, болалар врачлари Мирза Худойназаров, Ҳайдар Пўлатовларнинг намунали хизматидан беморлар мамнун.

Даволаш муолажаларини юқори сифатли ва ўз вақтида ўтказишда Гулнора Ҳайдарова, Дилафруз Ҳикматова, Лочин Нурматова, туғруқхона доялари Гулнора Сайранова, Дилбар Имомова каби ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходимларининг фаолияти мақтовга лойиқ.

Шифокорлар инсон бошига дард тушганда биринчи бўлиб ёрдамга келадиган олижаноб касб эгалари. Улар Гиппократ қасамига содиқ қолиб, ўзларининг бутун кучғайратлари, билим ва тажрибаларини аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга сафарбар этишаяпти.

Сардор ЭРКАЕВ,
Қашқадарё вилояти Нишон туман марказий шифохонаси бош ҳакими, олий тоифали шифокор

АРЧА АТРОФИДА

2005 йилга қадам қўйганимизга ҳам саноқли кунлар бўлди. Ўтган 2004 йил мамлакатимиз халқи учун баракали ва омадли йил бўлди десак янглишмаймиз. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида сезиларли ютуқларга эришилди. Айни кунларда пойтахтдаги ва вилоятлардаги асосий майдонларда ҳамда хиёбонларда байрамни зўр қувонч билан нишонлаётган юртдошларимиз юзидан шу нарсани ҳис қилиш мумкин.

Ҳар йили юртимизда Янги йил байрамини қўнгилдагидек ўтказиш мақсадида катта арча безатиш ва унинг атрофида турли театрлаштирилган томошалар намойиш этиш анъанага айланган. Бу йил эса, мана шу арча пойтахтнинг "Сайилгоҳ" кўчасида ўрнатилган.

— Театрлаштирилган томошалар нафақат болажонларни, балки катталарни ҳам ҳайратлантиради, — дейди биз билан суҳбатда Толибжон Содиқов номли маданият уйи қошидаги "Нодирабегим", "Райҳон" ва "Ёркин юлдузча" болажонлар гуруҳининг раҳбари Райҳон Тўраева. — Биз 23 декабрдан бошлаб майдонда томошалар намойиш этяпмиз. Томошалар ранг-баранглиги ва бетакрорлиги билан қизиқ. Уларда турли эртак қаҳрамонлари иштирок этади. 2005 йил — Товуқ йили бўлганлиги учун "Хўрозвой ва унинг жўжалари" деган эртакни саҳналаштирдик. Мазкур эртак болаларнинг маънавий озуқа олишларига кўмаклашади.

Янги йилни ҳеч ким болажонлардек интиқлик билан кутмаса керак. Бу байрамда улар узоқ ўрмонлардан келадиган Қорбобо ва Қорқиз қўлидан совға олишни ўзлари учун катта қувонч деб биладилар.

— Бу байрам Қорбобо, Қорқизлари билан қизиқарли, — деди биз билан суҳбатда Фарғона вилоятидан келган меҳмон Холида Насриддинова. — Мен ҳар йили болаларимни шу арча байрамига олиб келаман. Бу йилга байрам олдингиларидан ҳам қизиқарлироқ ташкил этилибди. Байрамда намойиш этилаётган эртаклар ва куй-қўшиқлар нафақат болаларда, балки катталарда ҳам катта таассурот қолдиради. Умуман олганда байрам кайфияти ҳали ҳам давом этаётган мана шундай шукуҳли кунларда мамлакатимиз халқига тинчлик омонлик, мусаффо осмон ва тўкин ҳаёт тилаймиз.

"Туркистон-пресс"

Эртани ўйлаб

(Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети декани, филология фанлари доктори Баходир Каримов билан суҳбат)

УМИДЛИ ДУНЁ БУ

- Мамлакатимизда тайёрланаётган педагогик кадрларни қандай баҳолайсиз? Мактабларда, айниқса, қишлоқ мактабларидаги ўқитувчилар ҳақида нима дея оласиз?

- Бизни ҳар доим, эътиборимиздан четда қолмаслиги лозим бўлган муқаддас масканлардан бири бу мактаб. Яхши тарбия кўрган, аъло баҳоларга ўқиган ўқувчилар яхши талаба бўлади. Ота-онасига, ўқитган муаллимларига раҳмат келтиради. Ўрта мактаблар билан олий таълим ўртасида доимий боғланиш бўлиши шарт. Зотан, давлатимиз томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ушбу нуқтага алоҳида эътибор берилган. Бугунги кунда мактабларда фидойи ўқитувчилар ишлаб келаётганини ҳамма яхши билади. Улар орасида ўз касбига чексиз меҳр қўйган тажрибали муаллимлар бор. Бу ҳақиқатни инкор қилиб бўлмайди. Ўқитувчи зоти ўқувчи учун ибрат. Бола ундан ўрнак олади. Унинг фазилатларини ўзида жамлайди. Бир тасаввур қилинг.

Мактаблар-маънавият маърифат ўчоғи. Буни ҳамма билади, ҳамма такрорлайди. Аммо бўлажак чинорларнинг кўчатлари парваришталабдир. Уларга эътиборсиз қараш сояси ўзига тушмайдиган чинорлар ўстиришдай гап. Отабололаримиз, хусусан, жадидлар фаолиятида мактаб энг биринчи ўринни эгаллаган. Менинг назаримда, тарихимиздаги ана шу нуқтадан ўрнак олиш, муаллимлар фаолиятининг нақадар қийматга эгалиги юзасидан муайян хулосалар чиқариш лозим.

- Ўқитувчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам билимини аниқлашда тест энг мақбул мезон бўлиб қолди. Қолаверса, айрим ҳолларда ўқувчилар хусусий репетиторларга қатнаяпти. Умуман олганда, репетиторлик ҳақида Сизнинг фикрингиз қандай?

Тест жараёнлари, уларда қўйилган ўзбек тили ва адабиётига тегишли саволлар билан танишман. Тестларда қўйилган саволлар осмондан олинган эмас. Муаллимларнинг тиши ўтмаса, айбни ўзларидан излашсин. Мактабда вазифаларни ўз вақтида бажарадиган, интизомли ва интилувчан ўқувчи репетиторларга эҳтиёж сезмаса керак, деб ўйлайман. Бироқ репетиторлик ҳозир оммавий тус олганлиги ҳам, кўпчилик ота-оналар болаларини пул тўлаш эвазига шу репетиторларга бераётганлиги ҳам бор гап. Бу мактабларда берилаётган билимлардан қониқмаслик оқибатими ёки кўнгилни хотиржам қилишнинг бир йўлими? Кўп ҳолларда бевосита ўрта таълим ва олий таълим соҳасида ишлаётган кишилар ҳам фарзандларини ўқишга кириш арафасида репетиторга беришади.

Ҳозирги кунда деярли барча шаҳарлардаги мактабларда эркак ўқитувчилар бармоқ билан санарли даражада қоляпти. Бу ҳол қишлоқ мактабларига ҳам оммавий тарзда ёйиляпти.

Оила шароитида эркак кишининг ўрни қандай бўлса, мактабда ҳам бундан асло кам эмас.

Илм олиш масаласида модапарастлик кетмайди. Чўнтакдаги қўша-қўша дипломлар билан мақтанмаслик керак.

Бир ўқув юртидан диплом олиб, сўнгра бошқа жойларни, бошқа соҳаларни мўлжаллаб юрадиган талабалар - бу ўша ўзи ўқиётган касбга қизиқмаслигидан, деб биламан.

Бир мисол. Ҳозир филология факультетида бир йигит ўқийди. Қўлида яхшигина қалами бор. Матбуотга мунтазам мақолалар эълон қилди. «Ёш куч» журнали таҳририяти ёш қаламкашларни ишга олиш ниятида танлов эълон қилди. Шу талабамиз қанчадан-қанча журналист талабалар ичида ғолиб чиқди. Ҳозир шу йигит ҳам журналда ишлайди, ҳам ўқийди. Тирикчилиги ҳеч кимникидан кам эмас. Ота-онага ҳам юк эмас.

- Олий даргоҳ муаллими сифатида талабалар билими ва интилиши, ижодкорлиги Сизни қониқтирадими?

- Маълумки, ҳар замоннинг ўз талабалари бўлади. Ва бу талабалар ўзларининг ўша илмга чанқоқ даврларини ҳар доим эслаб, фахрланиб юрадилар. Тўхтовсиз китоб ўқиётган талабалар бор. Ўз соҳасига, ёндош соҳаларга тегишли жиддий ва зарурий адабиётларни тинимсиз мутолаа қилаётган ва бунинг акси бўлган талабалар йўқ эмас. Албатта, буларнинг натижасини келажак кўрсатади.

Талабанинг ички маданияти оила муҳитида, мактабда шаклланган бўлади.

- Қоғозбозлик йилдан-йилга авж олаётгани ҳақида баъзи ўқитувчилар ачиниш билан гапиришяпти. Бу ҳолда жонли одам, ижодкор муаллим қоғоз панасида қолиб кетмайдими? Олий ўқув юртларида қоғозбозлик, ҳар қалай, бўлмаса керак?

- Қоғозлар - керакли ҳужжат. Расмий қоғозларсиз иш битмайди. Ҳамма замонлар учун оддий бир ҳолатга айланиб қолган бир одат бор. Ишлар қоғозда акс этиши керак. Меҳнаткаш муаллимлар дарсини ҳам ўтади, керакли ҳужжатларини ҳам ўз вақтида расмийлаштириб боради. Шунинг учун қоғозларнинг кўплигидан чўчимаслик лозим.

Ўқийман, илм оламан деган киши учун йўллар очиқ. Биров-бировнинг йўлини тўсмайди. Аксинча, бизнинг профессор-ўқитувчилар интилувчан талабага ҳар доим ёрдам беришади. Маслаҳатини аямайди. Аълочи талабалар учун республика миқёсида махсус давлат стипендиялари таъсис қилинган. Хусусан, бизнинг Миллий университетда ЎзМУ стипендияси, шунингдек, профессор Ғулом Каримов номидаги стипендиялар мавжуд. Бу ўринда талабалар моддий рағбатлантирилади. Рағбатлантириш маъносида яна бир гап, бакалавр босқичида маълум бир давлат стипендияларини қўлга киритган талабалар магистратура босқичига имтиҳонсиз қабул қилинади. Шу билан бирга имтиёзли диплом билан битирган бакалаврлар учун 30 фоиз балл қўшиб берилади. Назаримда, бу илм йўлини танлаган ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Суҳбатдош:
Икром РАСУЛОВ

ОҒИРЛИГИ ТУШМАСИН

Олтмишларни қоралаб қолган ғаллаороллик бир кампир қишлоқ марказидаги хўжалик моллари дўконига келиб уловдан тушмасдан сотувчидан сўради:

– Мана бу чўян печка қанча туради?

– От билан туя бўлармиди, хола, – деди сотувчи, – олаверинг, арзон.

– Менга кўмаклашиб юбор, болам, – деди кампир печканинг пулини тўлар экан.

Сотувчи чоққина чўян печкани уловга ўнглаётиб эди, кампир яна гап қотди.

– Яхшиси, бошимга қўйиб юбор, болам.

Кампирнинг илтимоси сотувчини ажаблантирди.

– Нима қиласиз бошингизга қўйиб?

– Э ўғлим, уловимга оғирлиги тушмасин дейман-да, – деди кампир астойдил куйманиб.

УЯЛИБ ҚОЛИШДИ

Муродилла ўн чоғли қўйни шаҳар бозори томон яёв ҳайдади. Унинг тиним билмас кўк эшаги йўл бошлаб олдинда юриб борарди.

Кутилмаганда эшак қурғур ўрта йўлда туғиб қўйди. Шундан кейин боласига алағда бўлиб, тушовлангандек имиллар, совлиқлар эса тўп бўлишиб ҳадеганда олдинга силжийвермасди. Ўйлаб-ўйлаб Муродилла бунинг ҳам иложини топди. Хўтикни хуржуннинг бир томонига, иккинчи томонига эса бир пудча келадиган тош солиб секин-аста йўлида давом этди.

Манзилга етиб, бозор ичкарисига кираверишда Муродилланинг шаҳарлик танишлари уни гапга солишди.

– Неварани ҳам шаҳарга олиб келай дебсиз-да, – дейишди улар хуржунда қулоқлари диккайиб турган хўтикка ишора қилиб.

– Ҳа, шундай, – деди Муродилла ҳам бўш келмай. – Уни тоғаларига бир кўрсатиб келайин деган эдим.

ШОШҚОЛОҚЛИК ПАНД БЕРДИ

Юсуф рўзғорининг бутунлигини таъминлаш учун ўз томорқасида етиштирган деҳқончиликларини ҳар якшанба бозорга олиб чиқарди. У бу гал ҳам тонг азондан сабзавотлар солинган хуржун ва қопни байталига ортиб, йўлга чиқди. Ортидан эргашмасин деб тойчоқни қўрага қамади.

Беш-олти чақиримлик йўл қир ва сойликлардан иборат бўлиб, ҳар ерҳар ерда жинғил, тоғ писта ва арчалар кўзга ташланиб қоларди. Тонг ёришишига ҳали вақт бор.

Йўл-йўлакай қорайиб турган ҳарсанг тош, бута ва шох-шаббалар Юсуфнинг кўзига беўхшов кўриниб қўрқувга туша бошлади. У яна бир қир ошиб сой томон энган ҳам эди, ўрқа томондан ниманингдир шитирлаши қулоққа чалинди. Унинг кўнглига ғулғула тушиб, бутун аъзои-бадани жунжика бошлади.

Ҳеч кутмаганда қора шарпа шаталоқ отиб байтал томон яқинлашаверди. Юсуф кўрқувдан қаттиқ сесканиб, жон ҳолатда ўзини уловдан пастга отди. У йиқилиб-суриниб, жарликка яқинлашаркан қора шарпанинг байталга етиб олганини аниқ илғади. Унинг оёғи олти, сакраши саккиз бўлиб ортига қарамай қир айланиб жон ҳолатда уй томонга қоча бошлади. Хуржун ва қоп байталда қолиб кетди.

Юсуф ҳаллослаганича ҳовлисига яқинлашганида тонг ҳам ёришиб келарди. Шу топда у бостирмадаги қўра эшигининг қия очиқлигини кўргач, шошқалоқлик қилиб эрганакни маҳкам боғламагани ёдига тушди. Қамовдаги той бостирмадан чиқиб байталга етиб олган эди.

– Бозордан эрта қайтибсизми, дадаси? Хотинининг бу саволига у аввалига нима дейишни билолмай бирпас сукут сақлади. Кейин:

– Тобим қочиб турибди, – деди у гапни чўзиб ўтирмасдан.

Ҳаммаси яхши тугади-ю, аммо Юсуфнинг бозор-ўчардан қолиб кетгани ва оғзи-бурнига учуқ тошгани қолди.

Абдулла САИДОВ

Ҳаётий ҳангомалар

ЯНГИ ДАРСЛИК

Ўзбекистон Миллий университетида фаолият кўрсатган миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедраси олимлари томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар натижаси ўлароқ қатор йирик тадқиқотлар юзага келди. Ўқув адабиёт намуналари ҳам яратилди.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти деб номланган дарсликнинг чоп этилиши ҳам илмий жамоанинг жиддий ютуғи бўлди. Профессор Бегали Қосимов раҳбарлигида босмага тайёрланган мазкур янги ўқув адабиётидан Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Тавалло, Сўфизода, Фитрат, Чўлпон каби маърифатпарвар ижодкорлар ижод намуналарига бағишланган мақолалар ҳам ўрин олди. Бундан ташқари, миллий уйғониш даври матбуоти, театрига оид маълумотлар ҳам ўқувчида қизиқиш уйғотди.

Мустақиллик йилларида адабиёт бўйича ёзилган биринчи дарслик сифатида яратилган бу китобни «Маънавият» нашриёти чоп этди.

Футбол-тест

КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1.Аргентина чемпионати қандай ном билан юритилади?
A) Суперлига
B) А серия
C) 1-Дивизион
D) Апертура

2.ФИФА ҳаками, қаршилик мутахассис ким эканлигини аниқланг.
A) Константин Смирнов
B) Азамат Жалилов
C) Ноил Лутфулин
D) Дмитрий Роман

3.Жаҳонга машҳур «Манчестер Юнайтед» (Англия) клубига қачон асос солинган?
A) 1985 йил
B) 1895 йил
C) 1885 йил
D) 1886 йил

4.Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси 1968 йилнинг 8 ноябрида бўлиб ўтган собиқ Иттифоқ кубоги финалида қайси команда билан баҳс олиб борган?
A) «Спартак» (Москва)
B) ЦСКА (Москва)
C) «Динамо» (Москва)
D) «Торпедо» (Москва)

5. Миллий терма жамоамизнинг биринчи голи муаллифи ким эканлигини биласизми?
A) Игор Шквирин
B) Миржалол Қосимов
C) Азамат Абдураимов
D) Улуғбек Рўзимов

ФИЛЬМЛАРДА ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ

Кейинги йилларда чет мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқалар республика жамияти фаолияти янада кенгайди. Бу нуфузли муассаса саъй-ҳаракати билан амалга оширилаётган маданий тадбирларга ҳам қизиқиш ортиб бормоқда.

«Буюк ипак йўли - дўстлик йўли» деб номланган халқаро дастур доирасида уюштирилаётган фестивалларга ҳам жамият бош-қош бўлмоқда. «Миллий эртаклар» деб аталган фестивал ҳам қизиқарли бўлди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари халқ эртаклари асосида яратилган фильмлардан бир нечаси намойиш қилинди. «Буюк ипак йўли»да жойлашган қадимий шаҳарлар халқи урф-одатлари, анъанавий маданий тадбирлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ҳам уюштирилди.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Энг қисқа исм қурай милларига мансуб кишилар орасида кўп тарқалган. Бу исм бир ҳарф - О дан иборат. АҚШдаги телефон ахборотномаларида эса 52 та ана шундай исм-шариф қайд қилинган.

* * *

Энг узун исмни ўз фарзандига Буюк Британиянинг Честерфилд шаҳрида яшовчи Жон ва Маргарет Нельсонлар қўйишган. Улар 1985 йил 31 декабр куни туғилган қизини аввалига Трейси деб, сўнг эса, ишонасизми-йўқми, яна 139 та исм билан номлашди. Албатта, бу чақалоқларни рўйхатга олиш билан шуғулланувчи мутахассисларга роса бошоғриғи бўлди.

* * *

Энг қимматбаҳо санъат асари сифатида машҳур мусаввир Леонардо да Винчи (1452 - 1519)нинг «Мона Лиза»си тан олинган. Бу ажойиб санъат асарини 1962 йили Париждаги суғурта ширкатларидан бири 100 миллион доллар деб баҳолаган. 1517 йили эса фаранг қироли Франзиск I уни сотиб олиш учун 4 минг тилла флорин - 15,3 килограмм олтиннинг баҳридан ўтган.

* * *

Энг катта китоб дўкони Лондонда жойлашган бўлиб, у «В.Ж.Фоули лимитед» компаниясига тегишлидир. Бир неча миллион номдаги китобларни сотиб олишни таклиф этувчи дўкон савдо расталарининг умумий узунлиги 48 километрга тенг.

* * *

Энг узун девор маълум ва машҳур Буюк Хитой девори ҳисобланади. У 3400 километрга чўзилган. Айрим маълумотларда эса деворнинг узунлиги 9980 километр эканлиги айтилади. Ушбу девор Син Шихуанди ҳукмронлиги даврида, тахминан милоддан аввалги 221-210 йилларда бунёд этилган. Баландлиги 4,5 метрдан 12 метргача, қалинлиги эса 9,8 метргача етади.

* * *

Энг баланд минорага Канаданинг Торонто шаҳрида дуч келишингиз мумкин. «Си-Эн» деб номланувчи ушбу миноранинг баландлиги 555,3 метрни ташкил этади. Минора 1973-75 йилларда қуриб битказилган. Қурилишга жами 44 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланган.

* * *

Ер юзидаги энг катта чўл Африка қитъасининг шимолий қисмида жойлашган Саҳрои Кабир. Унинг майдони 8 400 000 квадрат километр бўлиб, бу умумий қуруқлик майдонининг қалкам саккиздан бирига тенг.

* * *

Энг катта стадион Чехиянинг Прага шаҳридаги Страгов стадиони ҳисобланади. 1934 йилда оммавий намойиш ва тадбирлар учун қурилган. Стадион жами 240 мингта томошабинни ўз бағрига сиғдира олади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Савдо департаменти томонидан хусусий тадбиркор М.Қодирова номига 2004 йил 1 апрелда берилган Ж.Ш.010273-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 016 1 3456